

Улар оксокланиб сойга томон тушиб борардилар. Хамрохлардан бири, олдинда бораётгани тошлок ерда кокилиб гандираклаб кетди. Иккаласи хам чарчаб холдан тойган ва тишини-тишларига кўйиб такдирга тан берганликлари юзларидан кўриниб турарди — бу узок вақт чеккан кийинчиликлари окибати эди. Оркаларидаги кайиш билан тортиб боғланган огир юклари елкаларини эзарди. Иккаласида хам биттадан милтик. Иккаласи хам букчайиб кўзларини ердан узмай борардилар.

— Кани энди яшириб кўйган жойимиздаги ўқлардан хозир иккитагинаси бўлса, — деб кўйди улардан бири.

Азбаройи мадорсизликдан овози заиф чикди. У жудабеафсалалик билан гапирарди. Тошларга урилиб, кўпикланиб оқаётган сутдек оппок сувга энди оёк босган шериги эса унга ҳеч нарса деб жавоб бермади.

Иккинчиси хам шериги оркасидан сувга тушди. Сув муздек совук бўлишига карамай улар оёк кийимларини ечмадилар. Сув шу қадар совук эдики, оёқлари бармоқларигача увишиб колди. Баъзи жойларда сув тиззадан келарди. Шунда сув ши-тоб билан урганда, улар ўзларини тутохнай, гандираклаб кетардилар.

Оркада келаётган йўловчи силлик тошга тийганиб кетиб, йикилишига оз колди, огрикдан каттик ихраб юборди, аммо йикилмади. Боши айланди, шекилх, мункиб кетиб, худди хаводан мадад сўрагандай, бўш кўлини олдинга чўзди. ўзини ўнглаб олди-да, олдинга кадам босди, лекин яна тойиб кетиб, йикилишига сал колди. Шундан кейин, тўхтаб ўз шеригига караб кўйди: шериги эса оркасига хам карамай, хамон олдинга караб кетмоқда эди.

Оркада колган бир нарсани ўйлагандек бирпас кимирламай турди, кейин:

— Менга кара, Билл, оёгимни чиқариб олдим, шекилли! — деб кичкирди.

Билл оёқларини судраб, сутдек оппок сувдан кечиб борарди. У оркасига бирор марта хам кайрилиб карамади. Шериги унинг оркасидан караб турарди. Унинг юзи аввалгидек ҳеч нарсани ифода қилмас-да, кўзларида яраланган бугу сингари чуқур кайгу ифодаси акс этди.

Мана Билл қарши киргокка ўтиб олди-да, каловланиб юриб кетди. Сувнинг ўртасида турган хамрохи ундан кўзини олмай караб турди. Унинг лаблари шу қадар титрар эдики, ўсик сарик мўйлови учиб-учиб кетарди. У тилининг учи билан қовжираган лабларини бир ялаб олди-да:

— Билл! — деб кичкирди.

Бу фалокатга йўлиққан одамнинг жон аччигидаги кичкириги эди, аммо Билл кайрилиб хам карамади. Кетиб колган шеригининг оркасидан узок вақт караб турди: шериги лапанглаб, оксокланиб, кокиниб-сукилиб, тепаликда кўринган эгри-бугри чизиклар томон аста-секин кўтарилиб борарди. Билл то тепаликни ошиб, кўздан гойиб бўлгунча, шериги оркасидан караб турди. Шундан кейин у тарафдан кўзини узди-да, Билл кетгандан кейин ёлғиз ўзи колган ерни бир-бир кўздан кечириб чикди.

У бутун огирлигини бир оёгига сохб туриб, соатини олди, соат тўрт эди. Сўнги икки хафта ичида у ҳисобни йўқотиб кўйди: июлнинг охири ёки августнинг бошлари бўлганлиги сабабли куёш шимол-ғарбда бўлиши керак эди. У жануб томонга қаради. Мана шу кўримсиз тепалик оркасида, аллақердадир, Катта Айик кўх бор, худди ўша томонда Канада саҳросидан мудхиш Шимолий Кутб доираси ўтади, деб ўйлаб кўйди. У турган сой Каппермайн дарёсининг ирмоғи, Каппермайн эса шимол томонга оқиб,

Коронатсия кўрфазига, Шимолий Муз денгизига куйилади. Унинг ўзи у ерларга ҳеч қачон бормаган, лекин бунинг хаммасини Гудзон кўрфази компаниясининг картасида кўрган эди.

У ўзи ёлғиз қолган жойини яна бир марта кўздан кечирди. Теварак-атроф жимжит, кўримсиз эди. На дарахт, на бута, на ўт-ўлан кўринади — поёнсиз ва дахшатх саҳродан бошқа ҳеч нарса йўқ. Унинг кўзларида кўрқув ифодалари кўринди.

— Билл! — деб пичирлади. — Билл! — деб такрорлади у яна кетидан. Поёнсиз саҳро гўё кудратли кучи билан босаётгандай, ўзининг мудхиш сокинлиги билан эзаётгандай бўлди: у лойкаланиб оқаётган сой ўртасида чўккайиб ўтириб қолди. У худди безгак тутаётгандек қалтираб кетди, шу пайт милтиги шалп этиб сувга тушди. Бу уни ўзига қелтирди. У кўрқувни енгиб, эс-хушини йигди, кейин кўлини сувга тикиб, пийпаслади-да, милтигини топди. Сўнг майиб оёғига огирлик камрок тушсин деб, юкни чап елкасига олди-да, огрикдан башарасини буриштириб, жуда эҳтиётх билан аста-секин киргокка томон юрди.

У тўхтамай юраверди. Огрикка сира парво қилмай, Билл ошиб ўтган тепалик устига шоша-пиша дадил чиқаверди. Тепаликка чиқиб қараса, водийда ҳеч қим кўринмади. Уни яна кўрқув босди, кейин кўрқувни енгиб, копини чап елкасига яна ҳам кўпроқ суриб, оксокланиб-оксокланиб пастга туша бошлади.

Водийнинг пастлиги қалчикзор бўлиб, чимлик жикка сув эди. У хар қадам босганда сув сачрар, нам чимликдан оёғини хар кўтарганда, шалоп-шулип этган товуш чиқарди. У Биллнинг изидан юришга интилиб, кўлобларни айланиб ўтар ёки чимликларда худди орол сингари чўккайиб турган тошлар устидан борарди.

У ёлғиз қолган бўлса ҳам йўИдан адашмади. Яна бир оз юргандан кейин атрофини пастаккина, нимжон, курук пихта ва арчалар ўраб олган қисликина Титчиничили кўИига етиб боришини биларди, бу кўлнинг номи маҳаллий тилда «Кичик огочлар ўУсаси» деган маънони англатарди. Шу кўлга бир арик келиб куйилади, суви ҳам лойка эмас. Арик бўйларида қамиш ўсади. Буни у яхши эслайди — лекин у ерда дарахт йўқ. Шу ердан гарбга томон бошқа бир арик оқади, шу арик ёкалаб у Диз дарёсига қадар боради. Худди ўша ерда тўнкариб, устига тош бостириб қўйилган қайикни топади. У қайикнинг остида милтик ўки, қармоқ, қармоқ иплари, қичик бир тўр, умуман, овқат топиш учун зарур бўлган нарсаларнинг хаммаси яшириб қўйилган. Бундан ташқари, ўша ерда оз бўлса ҳам ун, бир парча гўшт, ловия ҳам бор.

Билл уни ўша ерда кутиб туради, кейин иккиси Диз дарёси бўУан Катта Айик кўлига борадУар, ундан кейин кўИдан ўтиб жанубга, то Маккензи дарёсига етиб олгунча, жанубга қараб бораверадиУар. Жанубга, ҳамма вақт жанубга қараб бораверадилар, қиш эса уларни қувиб боради. Тез оқар сой ва жУгалар муз бўУан қопланади, совуқ тушади, улареса жанубга, Гудзон кўрфазидаги факториялардан бирига етиб оладилар, у томонларда баланд-баланд азамат дарахтлар ўсади ва озик-овқат ҳам истаганча топУади.

Зўрга судралиб бораётган йўловчи мана шулар ҳақида ўйлар эди. Лекин юриш қанчалик огир бўлмасин, Билл уни ёлғиз ташлаб кетмайди, деган фикрга ишониш ундан ҳам қийин эди. Билл ҳеч шубҳасиз уни нарсалар яширУган жойда кутиб ўтиради. У шундай деб ўйлаши қерак, ақс қолда бундан кейин қурашни давом эттиришнинг ҳеч ҳожати йўқ — унда оёқни қўзиш-у, ўлиб қўя қолишдан бошқа илож йўқ. Қуёшнинг хира қардиши шимоли гарб томонга секин-аста яширинаётган қишдан қочиқ, жануб томонга қўйиладиган хар қадамини бир неча бор ҳисоблаб қикди. У нарсалар яширилган жойдаги ва Гудзон

компаниясининг омборидаги озик-овкат запасини кайта-кайта ўз хаёлидан кечирди. Икки кундан бери у ҳеч нарса егани йўқ, лекин ундан илгари ҳам тўйиб овкат емаган эди. У тез-тез эгилиб, рангсиз боткок меваларини узиб огзига солар ва чайнаб ютиб борарди. Мевалар жуда серсув, суви ичига кетиб, огзида факат тахир ва каттик уругларгина коларди. Бу мевалар корин тўйгизмаслигини у биларди, шундай бўлса ҳам уларни сабр билан чайнар, чунки умид аччик хакикат хилан хисоблашишини истамас эди. Соат тўккизларда у оёгининг катта бармогини ўткир тош киррасига уриб олди. Чарчок ва дармонсизликдан гандираклар, йикилиб тушди, Бир ёнбошига агнаб, анчагача кимирламай ётди. Бир оздан кейин оркасидаги коп кайишини елкасидан чикариб, ихраб-ихраб ўтириб олди. Хали унча коронги тушганича йўқ эди, гира-ширада тошлар орасини пайпаслаб, курук хас-чўп йига бошлади. Бир тутам хас-чўп йигиб, ўт ёкди, кейин котелокка сув солиб, бурксиб ёнаётган ўтга кўйди. У копини очиб ҳаммадан бурун гугуртларни санаб кўрди. Хаммаси бўлиб олтмиш етти дона гугурт чўпи бор эди. У янглишган бўлмай, деб гугурт чўпини уч марта санаб чикди. Гугуртни уч бўлакка ажратиб, хар бир бўлагини бир когозга ўради. Бир бўлагини бўш хамёнга солиб кўйди, иккинчисини охори тўкилган шапкасининг астарига тикди, учинчисини эса кўкрагига яшириб кўйди. Шундан кейин уни бирдан кўркув босди: уч бўлак гугуртни яна кайтадан очиб санаб кўрди. Гугурт чўплари аввалгидек олтмиш етти дона эди.

Оёк кийимини ўтга тутиб курутди, мокасини жулдури чикиб кетган, одеядан тикилган пайпоклари тешик, оёклари бўлса конталаш бўлиб кетганди. Тўпиги шишиб, худди тиззасидек йўгон бўлиб кетганди. У одеяллардан биттасининг четидан узун килиб йиртиб олди-да, тўпигини махкам сикиб боглади. Кейин яна бир неча парча йиртиб, мокасини ва пайпок ўрнини босар деб, оёгига айлангириб ўради-да, кайнаган сувдан ичиб олди, соатни буради, сўнг одеялга ўраниб ётди.

У донг котиб ухлади. Ярим тунга бориб коронги тушди, лекин бу узокка чўзилмади. Шарк-шимолдан куёш кўтарилди, тўгрироги, ўша томондан тонг ёриша бошлади, чунки куёш юзини куюк туман коплаган эди. Соат олтида у чалканча холда уйкусидан уйгонди, кулранг осмонга каради ва оч колганини сезди. Тирсагига суяниб, каддини кўтарган эди, кулогига каттик пиширган товуш эшитилди. Караса, унга хушёрлик ва кизиқиш билан бир бугу караб турибди. Бугу ундан эллик кадамча нарида турарди. Шу ондаёк товада жизиллаб ковурилаётган бугу гўштининг хиди димогига урилгандек, ўзи гўшт мазасини тотгандек бўлди. Беихтиёр ўки йўқ милтигини олиб ўкталди, тепкисини босиб юборди. Бугу чўчиб бир чеккага ташланди ва туёкларини тапиллатиб кочиб кетди.

У сўкиниб, милтигини улоктириб ташлади, ихраб-ихраб ўрнидан туришга уриниб кўрди, анча урингандан кейин зўрга туриб олди. Бўгинлари худди занглаб колгандек эди, каддини ростлаш ёки букиш жуда машаккатли эди. Нихоят у оёкка босгандан кейин ҳам одамга ўхшаб тик туриб олиш учун роса бир минутча уринди.

У чоғрок бир тепалик устига чикиб, атрофга назар ташлади. Бўз ранг чимлик денгиздан бошка ҳеч нарса — на дарахт, на бирон бута — ҳеч нарса кўринмасди. Осмон бўз рангда эди. Куёш на нур сочади, на йилт этган шуиасини кўрсатади. У, шимол каёкда эканини, кеча кечкуран бу ерга кайси томондан келганини эсиай олмади. Лекин у йўлдан адашмаган эди. Буни у яхши биларди. У тезда Кичик огочлар ўлкасига етиб олади. У ўлка шу якин орада, чап томонда бўлиши керак, эхтимол худди мана шу кўриниб турган тепаликнинг нариги томонидадир.

У тепаликдан кайтиб тушиб, йўлга отланди. Тугунини тугди, уч бўлак килиб яширган

гугуртлари турибдими, йўкми, деб пайпаслаб кўрди, лекин санаб ўтирмади. У бугунинг терисидан тикилган халтачага караб туриб, хаёл суриб колди. Халта унча катта эмас, ичидаги нарсалари билан бир ховуч келарди. Лекин огирлиги ўн беш кадок бўлиб, бошка юкнинг огирлигидан қолишмасди, — уни мана шу ташвишга соларди. У халтани бир томонга суриб кўйиб, бошка нарсаларни ўрай бошлади. Кейин халтачага каради-да, уни шартта кўлига олди, худди сахро унинг кўлидан олтинни тортиб олаётгандек, атрофга хўмрайиб каради. Яна ўрнидан туриб йўлга тушганда, бошка нарсалар катори халтача хам унинг оркасида эди.

У чапга бурилди. Ахён-ахёнда тўхтар ва боткок меваларидан териб ер эди. Унинг оёги бутунлай котиб колди, ўзи борган сари кучлирок оксар, лекин оёк огриги корнидаги огрикка караганда ҳеч гап эмасди. Очлик азоби уни кўпрок кийнар, корнидаги огрик эса унга ич-ичдан азоб берарди. Энди у Кичик огочлар ўлкасига етиб олиш учун кайси томонга юришни билмасди. Мевалар уни очлик азобидан куткаролмас, тил ва танглайларини ловуллайтиб ачитарди. Кичикрок бир сойликка етиб борганда, тошлар орасидан канотларини қокиб, киркирлашиб бир тўп ок каклик кўтарилди. У какликларга караб тош отди, лекин тегизолмади. Кейин у юкини ерга кўйиб, худди чумчук пойлаган мушукдек, какликларнинг оркасида пусиб-ўрмалаб бора бошлади. Шими ўткир тош кирраларга тегиб йиртишиб кетди, тиззаларидан оккан кон конли из колдириб борарди. Лекин очлик азоби шу қадар кучли эдики, у бошка ҳеч қандай огрикни сезмасди. У чалчикзор чимликлар устидан ўрмалаб борар, кийимлари шалаббо боииб кетган, бадани совукдан дир-дир титрарди-ю, лекин у факат овкат хақида ўйлар, бошка ҳеч нарсани сезмасди. Атрофидан ха деганда пар этиб учиб кетаётган какликларнинг кир-кири энди уни масхара қилаётгандек туйилди. У какликларни сўкиб кўйди-да, уларга караб кичкирмокка бошлади.

Бир гал у какликка жуда яқин келиб колди, куш чамаси ухлаб ётган бўлса керак. У куш тошлар орасидаги уясида парилиаб учиб чикмагунча, одам уни кўрмади. Какиик беҳосдан париллаб чиқиб колганига карамай, одам чангал солди. Коида кушнинг учта пати колди. У учиб кетаётган куш оркасида узок караб турди, каклик гўё унинг бошига катта халокат келтиргандек, одам кўнглида кушга нисбатан чексиз нафрат уйгонди. Кейин оркасига қайтиб, юкини кўтариб олди.

Чошгоҳда у бир боткокка етиб келди, бу ерда ов кўпрок эди. Худди унга ўчакишгандай, олдидан йигирматача бугу ўтиб кетди, улар шундай яқиндан ўтдики, милтик билан бемалол отиб олса бўларди. Бугуларни кувлагиси келди, кувласа ушлаб олишига жуда ишонарди. Унинг олдиндан какликтишлаган бир кора тулки хам ўтиб кетди. У кичкириб юборди. Шундай каттик кичкирдикки, чўчиб кетган тулки ўзини бир четга урди, аммо какликни огзидан туширмади.

Кечкурун у камишлар орасидан оппок оҳакдек лойкаланиб оқаётган арикча ёкалаб борарди. Бир камишнинг остидан маҳкам ушлаб, худди пиёзга ўхшаган бир нарсани сугуриб олди. Камишнинг томири юмшок бўхб, чайнаганда карс-карс овоз чиқарар эди. Лекин мазаси тахир, худди чалчикзор мевасига ўхшаган серсув бўлиб, оч корирми тўйгизмасди. У юкини ерга ташлади-да, худди кавш қайтараётган молга ўхшаб кавшана-кавшана камишлар орасидан ўрмалаб кетди. У жуда чарчаган, бир оз ором олгиси, ётиб ухлагиси келарди, лекин Кичик огочлар ўлкасига етиб олиш орзуси, ундан хам зўррок бўлган очлик азоби унга тинчлик бермасди. У бундай узок шимолда килрт ва курбака бўлмаслигини бтлса хам, чуқурчалардан курбака ахтарар, оёқлари билан ерни

титкилаб, курт кидирар эди.

У хар бир кўлмакни синчиклаб каради. Нихоят кош корайганда, бир чукурда биттагина балик сузиб юрганини кўриб колди. У кўхни елкасигача сувга тикди. Лекин баликча кўлидан сиргалиб чикиб кетди. У баликни икки кўллаб тутмокчи бўлиб сувни лойкалатиб юборди. Эси-дарди балик билан бўлиб, хаяжондан сувга тушиб кетди, белигача сувга ботди. Сувни шундай лойкалатиб юбордики, баликни кўриб бўлмади. Шундан кейин у сувнинг тинишини кутиб турди.

У яна баликни тутиш билан овора бўлди, сувни яна лойкалатиб юборди. Ортик кутишга токати коимади. Юкка кўшиб боғланган пакирчани олди-да, чукурдаги сувни четга олиб тўка бошлади. Аввалига у зўр бериб ишлади, усти-боши шалаббо бўлиб кетди, шошганидан сувни чукурга шундай якин тўкар эдики, сув яна кайтиб чукурга окиб тушарди. Сўнгра у кўлининг титраши ва юрагининг каттик уришига карамай, хотиржам ишлашга қарор берди. Ярим соатдан кейин чукурчада бир ховуч ҳам сув колмади. Бирокбаликкўлибколганди. Унингкўзитишлар орасидаги бир ёрикка тушди. Балик шу ёриқдан катта бир чукурга ўтиб кетибди, у чукурда сув шу қадар кўп эдики, унинг сувини бир кеча-ю бир кундузда ҳам тамом килиб бўлмасди. Ёрик борлигини илгари билганида, ҳаммадан буран уни тош билан беркитиб кўйган бўларди, шунда балик унинг кўлидан кочиб кутулолмасди.

Одам чалчик ерга ўтди-да, аламига чидаёлмай йиглаб юборди. Бошда секин-секин йиглади. Кейин атрофни ўраб олган шафкатсиз чўлни уйготмокчи бўлганидек овозининг борича хўнграб йиглайверди. Аъзойи бадани титраб, узок йиглади.

У ўт ёқди. Кайнаган сувдан анча ичиб, бир оз исиди, ётиш учун тош устига кечагидек жой килди. Ётишдан аввал гугуртнинг хўл, куруклигини текшириб кўрди ва соатини бураб кўйди. Одеёл хўл ва муздек эди. Оғрикдан оёқлари ўтдай ёнар, лекин у факат очлик азобини сезар эди, холос. Кечаси хар хил зиёфатлар, меҳмондорчиликлар ва дастурхонга тортилган турли ноз-неъматларни тушида кўриб чиқди.

У совук котиб уйгонди, тоби кочганди. Куёш кўринмасди. Ер-у кўкнинг бўзранг туси яна ҳам куюк-лашган, каттик шамол эсар, биринчи қор тепаликларни оппоқ либосга буркаган эди. У ўт ёки сув кайнатгунча хаво яна ҳам куюклашгандек, яна ҳам совуклашгандек туюлди. Лайлак қор ёға бошлаган эди. Қор аввалига ерга тушиши билан эрийверди, лекин бора-бора кўпайиб, ер бетини қоплаб олди-да, курук хас-чўпларни хўл килиб, ўтнинг ўчирди.

Бу унга юкини орқасига кўтариб, боши оккан томонга қараб йўлга чиқиш учун сигнал бўлди. У энди Кичик оғочлар ўлкаси хақида ҳам, Билл хақида ҳам, Диз дарёси соҳилида қайик остига яширилган нарсалар хақида ҳам ўйламасди. Унинг хаёлига овқатдан бўлак нарса келмасди. Очлик уни ақлдан оздирди. У қайик кетаётганини ҳам ўйламай кўйди. Унга энди икки дунё бир қадам бўлиб қолганди. Ишкилиб текис ерда юрса бўлгани эди. Йўлда кетаркан, у мазаси аччиқ бир ўсимлик топди, гиёҳдан қанча топса, ҳаммасини еди. Лекин бу гиёҳ жуда оз экан, у ерга ёйиб ўсганидан, қор тагида қолган эди.

Шу кеча у ўт ёқмади, сув ҳам кайнатмади, одеёл ичига қириб олди-да, очлигича ётиб қолди. Қор аста-секин совук ёмғирга айланди. Юзига ёмғир томчилари тушаётганини сезиб тез-тез уйкусидан уйғонарди. Тонг отиб, яна куёшсиз, булутли кун бошианди. Ёмғир тинган. У энди очлик тўғрисида ўйламай кўйганди. Қорни сал-пал оғрирди холос, аммо бу оғрик унга унчалик азоб бермасди. Унинг фикри бир оз равшанлашди. Энди у яна Кичик оғочлар ўлкаси хақида, Диз дарёси бўйига яшириб кўйган нарсалар хақида ўйлай бошлади.

У йиртик одеядан колган кисмини яна узунасига йиртиб, шилиниб конталаш бўлиб кетган оёгини боғлади, чиккан тўпигининг латтасини янгилади-да, яна йўлга тушишга хозирланди. Юкни кўтариб олишдан олдин бугу терисидан тикилган халтага узок тикилиб турди-ю, яна халтани ўзи билан олиб кетди.

Ёмгир корни эритиб юборганди, тепачаларнинг чўк-киларигина оқариб турарди. Куёш кўриниб колди, бундан фойдаланиб йўловчи дунёнинг тўрт томонини белгилаб олди, йўлдан адашганлиги аниқ бўлди. Сўнгги кунларда чап томонга кўпрок кетиб колган бўлса керак, энди у тўгри йўлга тушиб олиш учун ўнг томонга караб юра бошлади.

Очлик азоби унга қор қилмай колган эди-ю, лекин у ўзининг холдан кетганини сезди.

Дам олгани тез-тез тўхтар, ердан мева терар ва камишларни томири билан сугуриб оларди. Унинг тили қакраб, шишиб кетди. Оғзида ҳам аччик ва бемаза таъм бор эди.

Хаммадан кўпрок уни юраги безовта қиларди. У бир неча кадам босмасдан, юраги дук-дук уриб кетар, кинидан чиқиб кетай деб дуккиллаб ура бошларди-да, нафаси бўғилиб, боши айланар, ўзидан кетиб қолай дерди.

Туш пайтида у катта бир чуқурда иккита танга балик сузиб юрганини кўриб колди.

Чуқурнинг сувини қуритиб бўлмасди. Лекин у ўзини анча босиб олганди, пакирчаси билан баликларни тутиб олди. Баликлар жимжилоқдек-жимжилоқдек қичкина эди. Лекин унинг унча овқат егиси йўқ эди. Корин оғриги анча пасайганди. У, баликларни хомлигича оғзига солиб, хафсала билан чайнай бошлади. Иштахаси бўлмаса ҳам, овқат ейишга ўзини мажбур қилди, чунки яшамок учун овқат ейиш зарурлигини яхши биларди.

Кечкурун у яна учта танга балик тутди, иккитасини еб, учинчисини эрталабга олиб кўйди. Куёш онда-сонда учраб турган хашакларни қуритганди, у сув қайнатиб ичиб, бир оз исиди. ўша куни у ўн милдан ортик йўл босолмади. Эртасига юраги каттик уриб, беш милга яқин йўлни босиб ўтди. Корни ортик оғримай кўйди. Энди у нотаниш ерлардан борарди, бугулар тез-тез учрар, хатто бўрилар ҳам кўриниб қоларди. Унинг қулогига уларнинг увиллагани тез-тез қалинарди. Бир марта у пусиб йўлни кесиб ўтаётган учта бўрини кўриб колди.

Яна тун кирди. Тонгда у бир оз ўзига келиб, халтанинг қайишини ечди-да, ичидаги олтинни ерга тўқди. Олтинни баб-баравар икки қисмга бўлди. Бир бўлагини латтага ўраб, узокдан яхши кўриниб турадиган бир тепаликка, тошлар орасига яшириб кўйди. Иккинчи қисмини яна халтага солиб, оғзини боғлади. Кейин у битта-ю битта одеялини йиртиб, оёқларини ўради. Лекин у ҳамон милтигини ташламасди, чунки Диз дарёси бўйида яшириб қўйилган нарсалар орасида патронлар бор, ахир.

Бугун ҳамма ёқни қурук туман қоплади. Шу куни у яна очлик азобини тортди. Йўловчи жуда заифлашиб колган, тез-тез боши айланар, вақти-вақти билан ҳеч нарсани кўрмай қоларди. У энди тез-тез қоқилар, йиқилар эди. Бир марта у қаклик уяси устига йиқилиб тушди. Уяда эндигина тухумни ёриб қиккан қаклик болалари бор экан. У шошиб-пишиб уларни тириклайин оғзига сола бошлади. Қаклик болаларининг суяқлари унинг тишлари орасида худди тухум пўстлоғи сингари қасирлар эди. Она қаклик унинг тепасида қарқайганиб, уқиб юрар ва аччик-аччик фарёд қиларди. Одам милтик қўндоғи билан қакликни уриб туширмоқчи бўлди, лекин қуш чап бериб қочди. Кейин у қакликка тош ота бошлади, қанотини синдирди. Қаклик яраланган қанотини судраб, бир томонга қараб қочди. Одам унинг орқасидан қувлашга тушди.

Қаклик болалари унинг иштахасини яна ҳам очиб юборди. У қаловланиб, оқсоқланиб, гоҳ қакликка тош отиб бўғик товуш билан қийқирар, гоҳ ҳар йиқилганда қидам билан

ўрнидан туриб, ковогини солиб, индамай кадам ташлар эди, боши айланганда хушидан кетмаслик учун кўзларини ишкалар эди.

Каклик оркасидан кувиб бораётиб, пастликдаги бир чал-чикзорга дуч келди. Унинг кўзи хўл чимликдаги одам изига тушди. Бу излар уники эмаслиги равшан эди. Биллнинг излари бўлса керак. Лекин у тўхтаб туролмасди, чунки каклик тобора ундан узоклашар эди.

У кушни кувлай бериб чарчатди, лекин ўзининг хам тинкаси куриди. Каклик ёнбошига ағдалиб огир-огир нафас олиб ётарди, лекин одам хам ўн кадамча берида энтикиб ётар, кушга етиб олишга сира хам мадори колмаганди. Одам бир оз дам олди, лекин куш хам нафасини ростлаганди. У кўл узатиш билан куш типирлаб кочди. Яна кувишга тушди. Кош корайиб, куш кўздан гойиб бўлди. Одам жуда чарчаганлигидан мадори куриб кокилди ва оркасидаги юки билан йикилди-да, юзлари шилиниб кетди. У анчагина кимирламай ётди, кейин ёнбошига ағдалиб, соатини бураб кўйди-да, тонг отгунча шу холатда ётиб колди.

Яна туман босди. Одеядининг ярмиси оёкни ўрашга кетди. Биллнинг изини у кайтиб тополмади. Энди унга барибир эди. Очлик уни тинмай олга хайдарди. Борди-ю...

Борди-ю, Билл хам адашиб колган бўлса-чи? Тушга бориб у жуда хам холдан тойди. У яна олтинни иккига бўлди. Бу гал ўлчаб ўтирмай, ярмисини ерга тўкиб кўя колди. Кечга бориб, одеядининг ярмини, пакирча ва милтикни олиб колиб, олтиннинг хаммасини ерга тўкиб ташлади.

Баъзи бир фикрлар унинг миясини жуда чулгаб олганди. Тасавурида милтикда худди бир ўк бордек, у эса буни кўрмай колгандек эди. Шу билан бир вақтда милтикда ўк йўклигини яхши биларди. Лекин бу хом хаёл уни сира тинч кўймасди. Пировардида милтигини караб, ўкнинг йўклигига ишонч хосил килди. Шундай хафсаласи пир бўлдики, гўё у хакикатдан хам ўк борлигини кутган эди.

Ярим соат ўтди. Кейин миясига яна ўша фикр келди, у бу фикрни миясидан чиқариб ташлаёлмади-да, ўзини бир оз овутиш учун милтигини яна текшириб чикди. Ахён-ахёнда мияси ишламай колар, ўзи эса жонсиз нарсасидек беихтиёр каловланиб борар эди; галати хаёллар ва бемаъни тасаввурлар унинг миясини куртдай кемирар эди. Лекин у тез ўзига келарди, чунки очлик уни хамма вақт хакикатга кайтишга мажбур киларди. Бфр марта унинг кўз олдида шундай бир ажиб манзара пайдо бўлдики, хушидан кетиб колишига сал колди. Унинг олдида бир от турарди. От! У кўзларига ишонмади. Кўз олди жимирлашиб, атрофни туман босгандай бўлди. У зўр бериб кўзини ишкалади, кўз олди равшанланганда караса, каршисида от эмас, каттакон бир таргил айик турибди. Айик унга ўкрайиб-ўкрайиб карарди. У милтигини елкасидан олди-ю, шу ондаёк эсини йигди. Милтикни кўйиб, мунчок кадалиб тикилган кинидан пичогини сугирди. Унинг олдида гўшт ва хаёт турарди, Бош бармоги билан пичокнинг тигини текшириб кўрди. Пичокнинг тиги хам, учи хам ўткир эди. У хозир айикка ташланиб, уни ўлдиради. Лекин унинг юраги худди хавфдан огохлан-тираётгандек, дук-дук ура бошлади. Кейин бирдан юраги кфнидан чиқар даражада сакраб кетди; мияси худди исканжага олгандек каттик огриди, кўз олди коронгилашди.

Хозиргина жўш уриб турган ботирлик ўрнини кўркув эгаллади: у шу кадар заиф тортиб кетдики айик хужум килса, нима бўлади? У мумкин кадар хайбатлирок бўлиб кўриниш учун каддини ростлади, пичокни кўйига олиб, тўгри айикнинг кўзларига тикилди. Йирткич лапанглаб олдинга бир кадам босди, икки оёгини кўтариб ўкириб юборди. Одам кочганда, айик унинг оркасидан кувган бўларди. Лекин одам кўркувни босиб, ўрнидан,

кимирламади; у хам йирткич хайвондай дахшат билан ўкириб юборди, бу ўкирик кўркув ифодаси эди, чунки кўркув яшаш учун кураш билан чамбарчас богликдир.

Айик ундан кўркмай тик турган мана шу сирли махлукдан хайкиб, ўкирганча бир томонга чекинди. Лекин одам ўрнидан кимирламади. У хавф ўтиб кетгунча каккайиб тураверди, кейин худди безгак тутгандек, титраб-какшаб хўл чимликка йикилди.

У бир оз ўзига келиб, кўркув ичида яна йўлга тушди. У энди очликдан ўлишдан эмас, балки хаёт учун курашнинг сўнгги интилишлари сўнгунча йирткич хайвонлар панжасида ўхб кетишдан кўркарди. Атрофида бўрилар изгиб юрибди.

Бўрилар иккита-иккитадан, учта-учтадан бўлиб, тез-тез унинг йўлини кесиб ўтишарди. Лекин улар одамга якин келишмасди. Улар жуда хам кўп эмасди. Бундан ташкари, улар каршилиқ кўрсатмайдиган бугуларни овлашга ўрганишган эди, икки оёкли галати махлук эса чанг солиб колса хам, тишлаб олса хам ажаб эмасди.

Кечга бориб у ерда сочилиб ётган суякларни кўриб колди. Бўрилар худди мана шу ерда овни кўлга туширишган эди. Бир соат илгари бу бугуча сакраб-сакраб, маъраб юрганди. Одам топ-тоза килиб кўйилган, яркирок кизгиш суякларга караб турди. Суякларнинг ранги кизгиш эди, чунки ундаги хаёт хали сўнмаганди. Кечкурунга бориб, эхтимол, унинг тақдири хам шундай бўлар. Хаёт шунака, хаётфиевафо ва бебако. Лекин хаёт алам чектиради, ўлимда эса кийналиш йўк. ОТмок ухламоқдир, ўлим ором олмоқдир. Бўлмаса нима учун у ўлишни истамайди?

Лекин у узок ўйлаб ўтирмади. Кўп ўтмай у чўкка тушди-да, суякларни кемира бошлади, суякларга кизгиш тус бериб турган хаётнинг охириги нишонларини сўрмоқка тутинди. Гўштнинг ўтмишдан колган хотира сингари бўлиб туюлган сезилар-сезилмас мазаси уни ўзини йўкотар даражада хаяжонга солди. Суякни тишлари орасига олиб, гажий бошлади. Гох суяк синар, гох унинг тиши синарди. Кейин у суякни тош билан янчиб, очкўзлик билан юта бошлади. Шошилганидан тошни бармоқларига урар, аммо канча ховликмасин, нима учун огрикни сезмаётирман, деб ажабланиб кўярди.

Кор ва ёмгирли кунлар етиб келди. У энди қачон ётиб, қачон йўлга тушганини эслай олмасди. Вактни суриштирмай, кечаси хам, кундузи хам йўл босди, йикилган ерида дам олди, ундаги сўнаётган хаёт учкуни алангаланди дегунча яна олдинга караб ўрмалади. Одам энди хаёт учун курашмай кўйди. Ундаги хаётнинг ўзи ўлишни истамас, шунинг учун хам уни илгарига хайдарди. У ортик азоб чекмасди. Унинг асаблари уюшиб коиган, мияси эса галати хаёллар, ширин тушлар билан тўла эди.

У йўлда бораркан, битта кўймай йигиштириб олган суякларни тинмай сўрар ва чайнар эди. У ортик тепаликларга кўтарилмас, арикларни кечиб ўтмасди, у энди кенг водийдан окиб ўтаётган анхор ёкалаб борарди. Унинг кўзига хаёлий манзаралар кўринарди. Унинг тани билан жони бирга борарди-ю, шундай бўлса хам, улар бир-бирларидан ажраигандек эди: уларни бир-бирларига боглаб турган хаёт риштаси шу қадар рингичка эди.

Бир куни у ясси тош устида ётганида хуши ўзига келди. У узок вақтгача кимирламай ётди. Куёш сахийлик билан нур сочиб, унинг аянчли баданини иситар эди. У минг азоб-укубат биан бир ёнбосбига ағдарилди. Пастда катта сокин бир дарё окиб ётарди. Бу дарё одамга нотаниш эди: бу уни ажаблантирди. У нотаниш дарёнинг окимини шошмасдан, совукконлик билан то уфқка қадар кузатди-да, дарёнинг узокда яркираб турган денгизга куйилаётганини кўрди. Шундай бўлса хам бу нарса уни сира хаяжонлантирмади. «Кизик, — деб ўйлади у. — Кўзимга шундай кўриняптими ёки миям айниб колдимикин». Денгиз ўртасида лангар ташлаб турган кемани кўрганда бу



фикрнинг тўғри эканлигига яна бир бор ишонди. У бир зумга кўзларини юмиб яна очди. Кизик, ўша нарсалар яна кўринди. Бунга ажабланмаса ҳам бўларди. Милтигида патрон бўлмаганидек, мана шу сахронинг кок ўртасида денгизнинг ҳам, кеманинг ҳам бўлиши мумкин эмаслигини биларди у.

Оркадан хириллаган бир товуш эшитилди, бу хўрсинишми, йўталми — билиб бўхнас эди. Гойъат заиилик ва карахтликини жуда секинлик билан енгиб, у иккинчи ёнбошига ағдарилди. Якинида ҳеч нарса кўринмади. У сабр билан кута бошиади. Яна хириллаган ва йўтал товуши эшитилди. Йигирма кадамча нарида ўткир киррали икки тошнинг оркасидан бир бўрининг кулранг боши кўринди. Унинг кулоклари бошка бўриларники сингари тик эмас, кўзлари хира ва кон куйилган, боши солинган. Бўри касал бўлса керак: у тинмай акса урар ва йўталар эди.

«Ҳеч бўлмаганда буниси хакикатдир» деб ўйлади у ва сароб пардаси билан копланмаган, хакикий дунёни кўриш учун бошка ёнбошига ағдарилди. Лекин денгиз хали ҳам илгаригидек узокда ялтираб турар, кема ҳам аник кўзга чалинарди. Эхтимол, бу ростдан ҳам хакикатдир. У кўзларини юмиб ўйлай бошлади. Пировардида ҳамма нарса аён бўлди. У шарк-шимолга караб юрган ва Диз дарёсидан узоклашиб, Каппирмайн дарёси водийсига келиб колган. Сокин оқаётган шу дарё Каппирмайн дарёсининг худди ўзгинаси. Ялтираб турган денгиз Ширнолий Муз денгизи. Бу кема кит овчиларининг кемаси бўлиб, Маккензи дарёси денгизга куйиладиган жойдан шарк томонга анча кетиб колган. Бу кема Коронатсия кўрфазида турибди. У бир вақтлар кўрган Гудзон кўрфази компаьсининг картасини эслади-ю, шунда бор гап равшан ва тушунарли бўлиб колди. У ерга ўтириб олди-да, энг зарур ишлар хакида ўйлаб кетди. Оёқларини ўраб боглаган одеял парчалари титилиб кетганидан оёқлари шилиниб кип-кизил гўшт бўлиб колганди. Энг сўнгги одеялни ҳам ишлатиб бўлган. Милтик билан пичок йўколган. Калпоги ҳам тушиб колибди, калпок билан бирга астарига яширилган гугурт ҳам йўкоиганди, лекин когозга ўраб, ҳамёнига яшириб кўйган гугурт хали ҳам турибди. У соатига каради, соати юриб турар ва ўн бирни кўрсатарди. Соатни бураб турган бўлса керак.

У хотиржам, акли жойида эди. Жуда ҳам холдан тойганига карамай, огрикни сезмас, овкат егиси ҳам келмасди. Овкат хакида ўйлагиси ҳам кеимасди. У нима килмасин, хаммасини идрок хукми билан киларди. У, шимининг почасидан то тиззасигача йиртиб олди-да, тўпигини ўраб боглади. Челакчасини нима учундир ташламаган эди. Кемага караб йўл сохшдан аввал сув кайнатиб ичиш керак, — бу сафарнинг жуда огир бўлишини у олдиндан биларди.

У жуда секин кимирлар, шол одамдек калтирар эди. Курук хашак йигмокчи бўлди-ю, лекин ўрнидан туролмади. Бир неча марта ўрнидан туришга уриниб кўрди, бўлмагач, эмаклаб кетди. Бир гал хатто касал бўрининг олдига жуда якин бориб колди. Бўри истар-истамас ўзини четга олди ва зўрга тилини кимирлатиб, тумшугини ялади. Унинг тили соглом бўриникидек кизил эмас, кулранг, саргиш бўлиб, елим сингари куюк шиллик билан копланган. Одам кайнаган сувдан ичди-да, деярли куч-кувватдан колган бўлса ҳам, ўрнидан туришга, хатто юришга ҳам мадори етишини хис килди. Минут сайин тўхтаб дам оларди, базўр кадам ташлар, бўри ҳам унинг оркасида худди шу йўсинда судрахб борарди.

Коронги тушиб, яркираб турган денгиз зулмат ичига гарк бўлганда, у ораликдаги масофа кўп эмас тўрт милга кискарганини англади.

Тун бўйи касал бўрининг йўталиши ва баъзан бугу болаларининг маъраши эшитихб турди. Атрофда хаёт кайнамокда, у куч-кувватга тўла, соглом хаёт. У эса оркасидан

касал бўри эргашиб келаётганини, касал одам аввал ўлади, деган умидда эканлигини тушунар эди. Эрталаб туриб караса, бўри унга гамгин ва очкўзлик биан тикилиб турибди. Бўри думини кисиб, худди тинкаси куриган ит каби бошини куйи солиб турарди. Бўри совук шамолда калтирар, одам хириллаган товуш билан унга сўз котганда, тишини тужайтириб, ириллар эди.

Уфкдан ёркин куёш кўтарилди. Одам чошгохга кадар йикилиб-сурилиб ялтирок денгизда турган кемага караб юрди. Тушдан кейин у бир изга дуч келди. Бу бошка бир одамнинг изи бўлиб, у одамнинг эмаклар юргани билиниб турарди. «Ехтимол бу Биллнинг изидир» деб ўйлади у хотиржам. Унга барибир эди. Тўгриси, у хеч нарса сизмай, хеч нарсадан хаяжонланмай кўйган эди. У хатто огрикни хам сезмасди. Корин билан асаблари гўё мудраб колгандек. Лекин хали сўнмаган хаёт учкуни уни олга бошларди. У жуда чарчаган, лекин сира ўлгиси келмас эди. Шунинг учун хам у чалчикзордан мева териб ер, танга балик овлар, сув кайнатиб ичар ва олазарак бўлиб касал бўрини кузатар эди. У ўрмалаб ўтган бошка одамнинг изидан борарди. Кўп ўтмай, ўзидан олдинги одамнинг манзилига етиб келди. Хўл чимлик устида кемириб ташланган суяклар ва бўрининг изига кўзи тушди. Ерда худди ўзиникига ўхшаш, ўткир тишлар торткилаб йиртган бугу терисидан тикилган халта ётарди. Бундай огир юкни кўтаришга мадори кеимаса хам кучсиз бармоклари билан копни ердан кўтариб олди. Билл олтинларини сўнгги минутларга кадар ташламаган. Ха-ха-ха! У хали Биллнинг устидан масхара килиб кулади, тирик колади ва халтани яркираб турган денгиздаги кемага олиб кетади. У худди карганинг кагиллашига ўхшаган бўгик овозда дахшатли килиб куларди. Касал бўри хам унга жўр бўхб хириллаган товуш билан увиллади. Одам дархол жим бўлди. Агар мана шу суяклар Биллники бўлса, шу тоза кемирилган, кизгиш суяклар Биллники бўлса, кандай кихб унинг устидан куляпти-я!

У юзини ўгириб олди. Нима килсин, Билл уни ташлаб кетди, лекин у Биллнинг олтинларини олмайди, унинг суякларини кемирмайди. Агар менинг ўрнимда Билл бўлганда шундай килган бўларди, деб ўйлаб кўйди ва каловланиб йўлга тушди. У кичкина бир кўлга дуч келди. Балик йўкмикан деб чукурчага энгашиб каради-ю, худди илон чаккандек сесканиб ўзини оркага ташлади. Сувда у ўз аксини кўриб колди. Башараси шу кадар кўркинчли эдики, бу дийдаси котиб колган одамнинг кўнглига вахима солди. Кўлчада учта балик сузиб юрарди, лекин кўлча каттагина бўлиб, сувни куритишга унинг курби етмасди. У баликларни челакча билан тутишга уриниб кўрди, кейин бу фикрдан кайтди. ўлгундек чарчаганидан сувга йикилиб, чўкиб кетаман, деб кўркди. Чўкиб кетишидан кўркиб у кумлок сохилда ёгоч ходалар кўп бўлса хам, сол ясаб, датёдан сузиб кетишга журъат килолмади.

ўша куни у кемагача бўлган масофани уч милга кискартди. Эртасига эса икки мил йўл босди. Энди у худди Биллга ўхшаб ўрмалаб борарди. Бешинчи кун кечкурун кемага етиш учун яна етти мил йўл колган эди; энди бир кунда бир мил йўл босишга хам мадори кохнади. Эрта кузнинг илик кунлари хали тугамаган эди, у эса гох ўрмалар, гох хушидан кетиб йикиларди, касал бўри эса йўталиб, акса уриб, унинг оркасидан колмай судралиб борарди. Одамнинг тиззалари кип-кизил гўшт бўлиб кетган, товонлари бундан хам бадтар эди. Кўйлагидан йиртиб олиб тизза ва товонларини ўраб боглаган бўлса хам оркасидан чимлик ва тошлар устига конли из колдириб борарди. У бир марта оркасига кайрилиб караб, бўрининг очкўзлик билан конли излами ялаётганини кўриб колди. Агар бўрини бир ёклик килмаса, холи нима кечишини жуда яхши биларди. Шундан кейин хаётда учраши мумкин бўлган курашларнинг энг шиддатлиси бошланди: эмаклар

бораётган касал одам, унинг оркасидан судралаётган касал бўри иккиси ҳам чала ўлик холда бир-бирини пойлашиб, сахродан судралиб бордилар.

Бўри сог бўлганда, одам бунчалик каршилиқ кўрсатиб ўтирмаган бўларди, лекин мана шу бадбуруш, деярли ўлакка бўлиб қолган разил махлукнинг қорнига тушишини ўйласа, кўнгли айнир эди. У яна алахлай бошлади, яна кўзига алланималар кўрина бошлади, бу сафар унинг ўзига келиши анча кийин бўлди.

Бир марта худди кулоги остида кимдир тез-тез нафас олаётганини эшитиб, хушига келди. Тепасида турган бўри ўзини оркага ташлади ва қоқилиб кетди-да, нимжонлигидан йикилиб тушди. Бу жуда кулгили эди, лекин одам кулмади. У хатто кўркамди ҳам. У энди кўркиш нималигини ҳам сезмай қолган эди. Унинг онги бир минутга равшанлашди, у ўйлаб кетди. Кемага қадар энди кўпи билан тўрт мил йўл қолганди. У туман босган кўзларини ишкалаб, кемани жуда равшан кўрди, ярқираб турган денгизни кесиб ўтаётган ок елканли қайиқчани ҳам кўрди. Лекин бу тўрт миллик масофани босиб ўтишга холи қолмаган эди. Одам буни биларди, шунинг учун ҳам безовталанмади. Ярим мил ҳам йўл боса олмаслигига акли етарди. Шундай бўлса ҳам яшашни истарди. Шунча азоб-укубатлардан кейин ўлиб кетиш бемаънилик бўларди. Такдир ундан жуда кўп нарса талаб қиларди. Жони халқумига тикилганда ҳам у ўлимга бўйсунганини истамасди. Эҳтимол, бу аклсизлик эди, лекин у ўлим чангалига тушиб қолган бўлса ҳам, унинг чангалидан кутулиб чиқиш учун жон-жаҳди билан қурашаверди.

У кўзларини юмиб, бор кучини тўплади. Худди тўлқин сингари унинг вужудини босиб олаётган алахсирашга ён босмаслик учун ўзини тетик тутишга уринарди. Бу тўлқин ўқтин-ўқтин кўтарилди, унинг онгини хиралаштирарди. Баъзан у чорасиз типирчилаб, ўзини билмай қолар, кейин яна бир амаллаб хушини йигар эди.

У кимирламасди, чалқанча ётганича касал бўрининг хириллаган товуши тобора яқинроқ эшитилаётганига кулоқ солди. Бўрининг нафаси жуда яқиндан эшитила бошлади-ю, қурғаб қолган тил худди шилдирик қозон сингари унинг юзини тим-далади. Кўллари юқорига чўзилди, бармоқлари худди чангак сингари буқилди, лекин меҳнати зое кетди. Тез ва ишонч билан ҳаракат қилиш учун қуч қиради, унда эса қуч йўқ.

Бўри сабрли эди, лекин одам ундан ҳам сабрлироқ эди. У хушдан кетиб қолмаслик учун уриниб ва бўрини пойлаб, ярим кун кимирламасдан ётди. Бўри уни ёмокчи эди, қўлдан қолса, одам ҳам бўрини ёмокчи эди. Вақти-вақти билан у хушидан кетиб қолар, шунда у узок-узок тушлар кўрар эди; лекин тушида ҳам, ўнгида ҳам мана ҳозир бўри тили билан мени ялайди, деб қулиб ётарди.

Нафас товушини эшитмади, лекин бўри унинг қўлини ялаётганлигини сезиб ўзига келди. Одам кутиб ётди. Бўри унинг қўлини тишиари орасига олиб қучининг борича қисди, кейин у шунча вақтдан қутган ганиматига қаттиқроқ ботираверди. Лекин одам ҳам шу пайтни сабрсизлик билан қутганди, унинг тишланган қўллари бўрининг жагини қисди. Бўри базўр ўзини химоя қиларди, одам бир қўли билан унинг жагини қисарди, иккинчи қўлини ҳам узатиб бўрининг томоғидан бўга бошлади. Беш минутдан кейин одам ўзининг бутун оғирлиги билан бўрини босиб тушди. Бўрини бўғиб ўлдириш учун унинг қучи етмас, шунда одам тиши билан бўрининг томоғига ёпишди, унинг оғзи юнга тўлди. Ярим соат ўтди, одам ўз томоғига иссиқ қон қуйилаётганини сездди. Худди унинг оғзига эритилган қўрғошин қуйилаётгандек, уни ютиш бир азоб эди. Лекин у ўзини чидашга мажбур қилди. Кейин одам чалқанчасига ағдарилди-да, уйкуга кетди.

Кит овловчи «Бедфорд» кемасида илмий экспедиция аъзолари бор эди. Улар кема палубасида туриб, қирғоқда галати бир махлукни кўриб қолишди. Бу махлук кум устида

зўрга ўр-малаб денгиз томонга келарди. Олимлар бунинг нима экан-лигини билолмадилар, табиётшунос бўлганликлари учун кайикчага ўтириб киргокка сузиб кетдилар. Улар тирик бир махлукни кўрдилар, лекин уни одам деб бўладими?! У ҳеч нарсани эшитмас, ҳеч нарсани тушунмас, кум устида улкан курт сингари буралар эди. У олдинга деярли силжимас, лекин оркасига ҳам кайтмасди, буралиб-буралиб олдинга қараб ҳаракат қилар ва соатига йигирма кадамдан йўл босарди.

Уч ҳафта ўтгандан кейин у «Бедфорд» кемасида қаравотда ётган ҳолда кўз ёшларини окизиб, ўзининг кимлиги ва қандай машаққатларни бошидан кечирганини ҳикоя қилиб берди. У онаси, серкуёш жанубий Калифорния апельсин дарахтлари ва гуллар орасига кўмилган уйи ҳақида пойма-пой гапириб берди.

Бир неча кун ўтгандан кейин у олимлар ва капитан билан бирга кают-компанияда ўтирар эди. У овқатнинг мўлбгидан қувонар, бошқаларнинг оғзига тушиб йўқ бўлган кетаётган ҳар бир лукма уни зўр ташвишга соларди. Унинг ақли жойида, лекин стол атрофида ўтирган одамларга нафрат билан боқарди. Овқатнинг тамом бўлиб қолишидан кўрқиб, безовта бўларди. У ҳадеб ошпаздан, хизматчи боладан, капитандан овқат запасини суриштирарди. Улар юз марталаб тасалли берсалар ҳам ишонмас, ўз кўзи билан кўргани овқат омборига тез-тез тушиб турарди.

Кемадагилар унинг ўнгланаётганини сезиб қолдилар. У кун сайин семираверди. Олимлар бош чайқаб турли тахминлар қилишарди. Унга овқатни камроқ бера бошладилар, лекин шунда ҳам семираиб, қорин сола бошлади.

Матрослар бунга қулишарди, улар гап нимада эканлигини билишарди. Олимлар унинг оркасидан пойлаб, сирни билиб олдилар. Эрталаб нонуштадан кейин у бакка чиқар ва матросларга худди тиланчидай қўл чўзарди. Матрос қухб, унга сухари берарди. У очкўзлик билан сухарини олар ва худди олтинга кўзи тушган ҳасисдек, нонни қўлтигига урарди. Бошқа матрослар ҳам йўлини топиб, уни қурук қўймасди.

Олимлар индамай уни ўз холига қўйиб қўйдилар. Утар ўзига билдирмай унинг қаравотини текширдилар. Қаравотнинг ости сухари билан тўла эди. Тўшакнинг ичига ҳам сухари тўлдирган экан. Ҳар бир бурчакка сухари яширилган. Лекин унинг мияси жойида эди. У фақат, яна оч қолгудай бўлсам деб шунинг чорасини кўрарди, ҳолос. Олимлар бу касаллик тез ўтиб кетади, деган фикрда эдилар. Ҳақиқатан ҳам «Бедфорд» кемаси Сан-Франсиско гаванига лангар ташламасданок бу касал ўтиб кетди.